

Алишер Навоий



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЕТ МУЗЕИИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МУЗЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ ИМ. АЛИШЕРА НАВОИ

ЖАҲОНОТИН УВАЙСИИ


* 1780 - 1846 *

ДЖАХАН-АТЫН УВАЙСИ

«Увайсий», «Вайсий» тахаллуслари билан ўзбек тилида шеърлар ижод этган шоира Жаҳонотин тахминан 1780 йилда Марғилон шаҳрининг Чилдухтарон (ҳозирги Увайсий) маҳалласида оддий меҳнаткаш оиласида туғилди. Шоиранинг отаси ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Унинг онаси Чиннибиби отин бўлиб, ўз даврининг билимдон, хуштабиат, зукко ва шоира аёлларидан эди. Донишманд ва меҳрибон она ўз фарзанди Жаҳонбибини ҳам илм-саводга ўргатди ва бадият сирларидан уни хабардор этди.

Туйғун, доно, зийрак қиз — Жаҳон ёшлик чоғларидан бошлаб шеърятга, халқ оғзаки ижодига чин дилдан қизиқди. У Шарқ классик поэзиясининг устоз ижодкорлари Ҳофиз, Бедил, Алишер Навоий ва Фузулийнинг шеърят бўстониға кириб борди. Уларнинг юксак бадий даҳосидан баҳраманд бўлди, шу йўсинда ижодий машқ қилишға киришди.

Увайсий ҳали ёш экан, ҳаёт, табиатнинг гўзалликларига катта умидлар боғлади; унга бўлган меҳр ва севгисини юрак орзиқишларини кучли шавқ-завқ билан тараннум этди. Ҳаётдаги ҳар бир инсон умри боқий эмаслигини, уни ғанимат билиб, ундан тўйиб-тўйиб лаззатланиш лозимлигини тарғиб этди:



Увайсий асарлари.
Произведения Увайси.

Поэтесса Джахан-атын, писавшая стихи на узбекском языке под псевдонимом «Увайси», «Вайси», родилась приблизительно в 1780 г. в махалле Чилдухтарон (ныне Увайси) г. Маргилан в семье простого труженика. Мы не располагаем достоверными сведениями об отце поэтессы. Что же касается ее матери Чинни-биби, то она, являясь одной из образованных женщин своего времени, учительствовала, писала стихи. Мать обучила свою дочь грамоте и наукам, приобщила ее к тайнам стихосложения.

Чуткая, умная, смышленная девочка Джахан с юных лет всей душой увлеклась поэзией и устным народным творчеством. Вступив в благоуханный сад восточной классической поэзии с такими ее прославленными мастерами, как Хафиз, Бедил, Навои, Фузули, и, восприняв их поэтический опыт, она стала достойным продолжателем их славных творческих традиций.

Увайси еще молода, она возлагает большие надежды на красоту окружающего ее мира,

Дунёни букун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди ҳалойиқники меҳмони ғанимат.

...Умрингни баҳорида муҳаббатни суғоргил,
Кўз мардумини гирия-борони ғанимат.

Чинниотин ўз қизини не-не орзулар билан турмушга узатади. Бу вақт Жаҳонбиби «Увайсий» таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, анчагина шўхрат топган эди.

У Муҳаммадхон исмли ўғил ва Қуёшбиби исмли қиз кўрди.

Увайсий бадий ижодни зўр қизиқиш ва мароқ билан давом эттирди. Унинг шоирлик таланти секин-аста она юрти Марғилон ва ўша даврнинг маданий маркази бўлган Қўқон вилояти халқлари орасида тарқала бошлайди. Увайсийнинг самимий, пок муҳаббат шавқи билан тўлиб-тошган асарлари ўша давр ҳофизларининг фикрини жалб этади, тилдан-тилга ўтиб боради:



Увайсий ижод устида.

А в т о р Қ. Башаров.

Увайси за работой.

А в т о р К. Башаров.

восторженно и вдохновенно воспеваает свою любовь к нему, свои духовные устремления. Помня о том, что человек не вечен на этой бременной земле, она проповедует необходимость полностью насладиться радостями быстротечной жизни:

Как и вселенной быть велел круговорот времен на время,

Так человеку дан удел быть гостем сих сторон на время.

...Всей твоей жизни вешний цвет — любовь, — омой ее слезами:

Лихую тяжесть мук и бед да облегчит твой стон на время.


Какие только надежды ни питала Чинни-биби, выдавая свою дочь замуж. К этому времени Джахан-атын, подписывавшая свои стихи псевдонимом Увайси, приобрела большую известность.

Шли годы. У нее родились сын Мухаммадхан и дочь Куёш-биби. Несмотря на трудности, встретившиеся на пути, Увайси продолжает свою творческую деятельность увлеченно.

Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти гуфтора,
 Нечуқким марҳамат бўлсин неча мендек дилафқора.
 Нигоҳинг ташлағил лутф айлабон, эй шўх, бепарво,
 Йўлингда интизор ўлғон мени бул ошиқи зора.
 ...Увайсий юз жафо чексанг ҳақиқат ёрдин доим,
 Ўгурма юз анга, ҳам солма кўзни ўзга дилдора.

Мана шу тариқа шоира истеъдодли ижодкор сифатида машҳур бўлади.

Шоиранинг умр йўлдоши барвақт вафот этади. Мунис ва мушфиқ онаси ҳамда умр йўлдошидан абадий айрилиб қолган шоира ўз фарзандларини олижаноб оналик меҳри билан тарбиялайди. Шафқатсиз қисмат шоира ҳаётига оғу солган эди. У энди оилавий азоблар, моддий ва маънавий қийноқларга руҳан ёлғизлик билан бардош бермоғи керак эди. Бироқ бундай азоб-машаққатлар шоира иродасини бука олмади, у тинимсиз ижод ишига берилган, ситамдийда калбининг аламли изтиробларини у орқали изҳор этар эди.



Уч шоира. Автор Қ. Башаров.
 Три поэтессы. Автор К. Башаров.

Постепенно ее поэтический талант получает народное признание в родном Маргилане и культурном центре того времени — Кокандском вилайате. Стихи Увайси, исполненные восторгов чистой, самоотверженной любви, привлекают внимание хафизов (народных певцов) того времени, переходят из уст в уста:


Доброй речью порадуй, попугай сладкогласный,
 Будь всем людям усладой, как и мне, разнесчастной.
 Кинь же мне взор нестрогий, чаровник беззаботный,
 Жду тебя на дороге в смертной муке я страстной.
 ...Хоть любимый и ранит, Увайси, будь же верной,
 Пусть другой не приманит — даже самый прекрасный.

Так к поэтессе приходит популярность. И в то же время ее преследуют невзгоды. У Джахан-атын рано умирает спутник ее жизни. Навсегда лишившись его и заботливой матери-наперсницы, она всю свою возвышенную любовь отдает воспитанию детей. Тяготы

Увайсий ҳаёт ҳақиқатлари билан тўқнашади, унинг аёл киши бошига солаётган беҳад исканжаларини ўзида ҳис қилади ва шоира ижодида кучли қалб дарди тўла асарлар юзага келади:

Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемуруватдин кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
...Тўлибдур бағрим ичра қон мисоли ғунча найларман,
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Мудҳиш феодал замонаси ҳукмдорлари шоира бошига мислсиз кулфатлар ёғдиради. Севимли ўғли Муҳаммадхон билан она орасига ҳижрон азоби тушади. Уни Маъдалихон навкарлари қаторида Қашқарга қилган юришига олиб кетади. Бунинг устига Увайсийнинг қизи Қуёш ҳам ҳаёт билан абадий видолашади. Бағир хунлик билан, унсиз фарёд-нолалар чеккан шоира ўз даври хотин-қизлари билан қисматдош эди, унинг анорга бағишлаб ёзган чистонида худди ана шу аёлларнинг ахвол-руҳияси намоён бўлган:



Увайсий ва Нодира боғда.
А в т о р Қ. Башаров.
Увайси и Надира в саду.
А в т о р К. Башаров.

отравляли жизнь поэтессе. Теперь ей в душевном одиночестве необходимо было выдержать борьбу с семейными трудностями как морального, так и материального характера. Однако трудности не сломили воли поэтессы, проявляя стойкость, она неустанно творила, выражая через стихи горестные переживания своего истерзанного сердца.

Столкнувшись с суровой действительностью, Увайси ощутила на себе те бесчисленные ограничения, которые сковывали женщину, и в ее творчестве появились произведения, отражающие страдания ее мужественного сердца:

Тяжел времен злоеший гнет, — душа сплошною раной стала,
Жесток и грозен небосвод, — душа сплошною раной стала.
...Какой назначен мне исход? Кровавым рдеет грудь бутонем,
Но сердце розой не цветет, — душа сплошною раной стала.

Поэтесса испытывала неимоверную жестокость правителей эпохи феодализма. Она была обречена на муки разлуки со своим любимым сыном Мухаммадханом, отправленным


Ул на гумбаздур эшиги, туйнугидан йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар бунда айлабдур макон.
Синдириб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларида парда тортиғлик турарлар бағри қон.

Увайсий лирикаси ана шундай фалсафий мушоҳадаларга, самимий муҳаббат тароналарига, чуқур лиризмга бойдир.

Шундай қилиб, Увайсий ўз асарларида инсоний соф муҳаббат, вафо ва садоқатни куйлади, адолатпарварлик гояларини илгари сурди, шунингдек, уларда шоиранинг замонга бўлган муносабати, ўзи каби минглаб маъсума аёлларнинг машъум ноласи акс этди.

Увайсий Қўхон адабий мушоираларида муваффақият билан ҳатнашган бўлса-да, умрининг охирига қадар ўз она юрти — Марғилонда яшади ва шу ерда, тахминан 1846 йилда вафот этди.

Увайсийнинг бизгача тўрт лирик девони этиб келгандир. Уларда шоиранинг ғазал,



Мушоира. Автор Н. Қўзибоев.
Поэтическое состязание. Автор Н. Кузибаев.

в Кашгар в рядах нукеров. В это же время умерла ее дочь Куёш-биби. С облитым кровью сердцем, с безмолвными стонами на губах поэтесса разделила судьбу женщин своей эпохи. В чистоне (стих-загадка), посвященном гранату, она так выражает это состояние:

Вот — без окон, без дверей теремок-домочек,
В нем приют для дочерей — ясноликих дочек.
А зайдем к девицам в дом, их сердца — кровавый ком,
И на лицах всех кругом — голща оболочек.

Лирические стихи Увайси наполнены философскими раздумьями, искренними мелодиями любви, глубоким лиризмом. Поэтесса воспевает чистую, светлую любовь, зерность и преданность, выступает с идеями справедливости, выражая таким образом свое отношение к времени, к страданиям тысяч подобных ей женщин.


С успехом принимая участие в литературных состязаниях в Коканде, Увайси до конца своих дней прожила у себя на родине, в Маргилане, где и умерла приблизительно в 1846 г.

мухаммас, мусаддас, мустазод, маснавий, рубоий, туюк, чистон, фард каби жанрлардаги асарлари жам бўлган.

Шоиранинг икки бадийи ва бир воқеабанд достони ҳам бизгача етиб келган бўлиб, улар XIX аср ўзбек адабиётида лиро-эпик жанр ривожига муҳим роль ўйнайди.

Икки бадийи достониди Увайсий севги, вафо, садоқат, дўстлик ва тинчлик ғояларини илгари суради. Воқеабанд «Воқеаи Муҳаммадалихон» эса ўзининг машҳур шоира Нодиран билан яқинлигини кўрсатувчи, Маъдалихон ҳукмронлиги даврида унинг Қашқарга қилган юриши тарихини тасвирловчи достондир.

Увайсий ўзининг кўп қиррали, бой ижоди билан XIX аср ўзбек адабиёти тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг хилма-хил лирик асарлари ҳозирги давр шароитида катта тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эгадир. Шоиранинг қалб ҳарорати билан ёзилган жўшқин мисралари асрлар давомида юксак эҳтиром билан тилга олинади ва ўзбек халқи ўз сеvimли шоираси Увайсийни ардоқ билан абадий хотирасида сақлайди.



Увайсий. Анор. Автор Т. Жамолиддинов.
Увайси. Гранат. Автор Т. Джамалиддинов.


До нас дошли четыре лирических дивана Увайси. Они включают в себя произведения различных жанров — газели, мухаммасы, мусаддасы, мустазады, масневи, рубаи, туюги, чистоны, фарды. Две художественные поэмы и одна историческая поэма Увайси, также дошедшие до нас, сыграли важную роль в развитии лирико-эпического жанра в узбекской литературе XIX в.

Если в двух художественных поэмах Увайси выдвигаются на первый план идеи любви, верности, преданности, дружбы и мира, то историческая поэма «События (жизни) Мухаммад Али-хана» показывает ее близость с известной поэтессой Надирой, в ней находит отражение история похода на Кашгар в период правления Мадали-хана.

Творчество Увайси — значительное явление в истории узбекской литературы XIX в. Ее разнообразные лирические произведения не теряют своей большой воспитательной и эстетической ценности и в настоящее время. Возмущенные строки стихов, наполненные хровью ее сердца, на протяжении веков воспринимаются с высоким почитанием, и узбекский народ навечно сохранит в своей памяти благодарность к своей любимой поэтессе.

ИНСТИТУТ РУКОПИСЕЙ АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ДЖАХАН-АТЫН УВАИСИ
Проспект



Составитель Э. Ибрагимова
Редактор Н. Рахманов
Художник Г. Жирнов
Худ. редактор Г. Аксенов
Техн. редактор Г. Ломиворотова

Сдано в набор 14.02.83. Подписано к печати 07.04.83. Р — 03027.
Формат 60×100¹/₁₆. Усл.печ.л. 0,28. Уч.-изд.л. 0,85.
Тираж 50000. Заказ № 371. Цена 25 коп.

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана,
г. Ташкент, ул. «Правды Востока», 26.
© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1983.